



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 22 январь, № 14 (9185)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЦҮРИХ ШАҲРИГА КЕЛДИ

Цюрих халқаро аэропортида
Президентимизни Бирлашган
савдо-саноат палатаси раҳбари
Дорит Пробст кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, 22 январь куни Давос шаҳрида мамлакатимиз етакчиси АҚШ Президенти Дональд Трамп ташаббуси билан ташкил этилаётган Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросимида иштирок этиши ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган.

ЎзА.

ФИФА президенти:

ЎЗБЕКИСТОН – ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

ФИФА президенти Жанни Инфантино ўзбек футболининг ривожланиши ва ўзбекистонлик спортчиларнинг сўнгги йиллардаги ютуқлари ҳақида фикр билдириб, видеомурожаатнома йўллади.

Интервью

— 2016 йилда ФИФА президенти лавозимига киришганимдан буён бир неча марта Ўзбекистонда бўлдим, — деди ФИФА раҳбари видеомурожаатномасида. — Ҳар бир ташрифимда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръати ва изчил модернизация йўлидан бораётганини кўрдим.

Ўзбекистон 1994 йилда ФИФАга аъзо бўлганидан бери мамлакат футбол тизими стратегик режалаштириш, инфратузилмага сармоя киритиш ва футбол таълимини ривожлантириш орқали сезиларли даражада мустақамланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилда ўз лавозимига киришганидан сўнгра спорт ва футболни ривожлантиришга аниқ йўналиш берди. Футбол бўйича терма жамоанинг 2024 йилги ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиши ўзбек ёшлари салоҳиятини халқаро майдонда яққол кўрсатди.

ФИФА турнирларининг Ўзбекистонда ўтказилиши футболнинг глобал миқёсда кенгайиши ва унинг халқаро миқёсда эътирофини мустақамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати тарихий воқеалик — мамлакат Марказий Осиёда биринчи бўлиб ФИФА турнирига мезбонлик қилди.

Ўзбекистон Олимпиада шахарчаси тимсолида ФИФАнинг янги турнирларини ўтказиш учун муносиб номзод сифатида ишонч билан ўзини намойён этаяпти. Буни 2027 йилда бўлиб ўтадиган “U20” жаҳон чемпионатида Ўзбекистон Озарбайжон билан биргаликда мезбонлик қилиши ҳам тасдиқлайди. Мазкур “U20” жаҳон чемпионати икки конфедерация томонидан ўтказиладиган илк турнирdir.

Самарқанд вилоятини ривожлантириш бўйича катта режалар, жумладан, Каттақўрғонда футбол академияси ташкил этилиши мазкур спорт турига кириш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради ва ФИФАнинг ҳар бир истеъдодга ўзини кўрсатиш имкониятини яратиш миссиясига мос келади.

Ўзбекистон ҳукумати ва Футбол ассоциациясининг ўз мақсадларини амалга оширишда ҳиссам қўшилганидан фойдаланаман. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан тақдирланишим мен учун катта шараф.

Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустақамлашга интилаётганини таъкидлади. Бу ФИФА тўлиқ қўллаб-қувватлайдиган фалсафа бўлиб, Ўзбекистон биз учун футболни ривожлантиришда ишончли ва стратегик ҳамкор эканини тасдиқлайди.

Биз Ўзбекистон билан биргаликда миллионлар ўйини бўлган футболни ривожлантиришда давом этамиз. Чунки Ўзбекистон миллат сифатида ҳам, ҳамкор сифатида ҳам ишонч ва эътирофга лойиқ давлат.

«Дунё» АА.
Женева



Мушоҳада

Дарҳақиқат, туризм инфратузилмаси йилдан-йилга яхшиланиб борапти. Янги меҳмонхоналар, хостеллар, оилавий меҳмон уйлари, дам олиш масканлари барпо этилмоқда. Автомобиль ва темир йўл тармоқлари, ҳаво катновлари кенгайтирилиб, туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Электрон визалар, онлайн брон қилиш тизимлари, рақамли туристик платформалар соҳанинг очиклиги ва самарадорлигини оширмоқда. Халқаро кўргазма ва форумларда эса Ўзбекистоннинг туристик бренди фаол тарғиб қилинаётир.

Юртимизда анъанавий йўналишлар билан бир қаторда экотуризм, гастронимик, тиббий, спорт ва агротуризм ривожлантирилиши соҳада мавсумийликни камайтириб, ҳудудлар тараққиёти ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Халқаро эътироф: Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ошмоқда

Президентимизнинг 2025 йил 15 майдаги “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқими ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш

Туризм мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда локомотив тармоқлардан бири. Шу боис давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида кейинги беш йилда хорижий туристлар сонини 2 қарра — 11 миллион нафардан

орқали туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ республика ҳудудларига хорижий туристларнинг сафарларини ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Натижада юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сони йил сайин ортиб бораётганини гувоҳ бўлялмиш.

— Мамлакатимизга ташриф буюрган туристлар сони 2017 йилда 2,7 млн. нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йилда улар 11 миллиондан ошиб, туристик хизматлар экспорти 4,8 млрд. долларга етди, шунингдек, визасиз тартиб жорий этилган давлатларнинг сони 94 тага қўлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси раиси маслаҳатчиси Феруз Додиев. — Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2025 йилнинг январь — сентябрь ойларида хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича дунё миқёсида энг юқори ўсиш қайд этилган “ТОП — 7” давлатлар қаторига кирди. Хусусан, мамлакатга ташриф буюрган халқаро туристлар оқими

2019 йил даражасига нисбатан 73 фоизга ошгани Ўзбекистоннинг глобал туризм мақомидаги мавқеи изчил мустақамланиб бораётганини кўрсатди.

Туризм соҳасида қатор янги ҳамкорлик лойиҳалари йўлга қўйилиб, келгусида турли давлатлар билан туризм алмашинувини янада ривожлантириш бўйича истиқболли режалар устида ишланыпти. Хорижий давлатларнинг туризм бизнеси вакиллари билан алоқаларни кенгайтириш, бизнес форумлар ва тақдимот учрашувларини ташкил этишга жиддий эътибор қаратиляпти.

Ҳудудларда 954 та янги жойлаштириш воситалари фаолияти йўлга қўйилди. Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 662 та янги ту-

20 миллион нафарга ошириш, туризм хизматлари ҳажмини эса 20 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олинганини алоҳида таъкидлади. Шу мақсадда туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.



ристтик ташкилот ва турагент очилиб, улар сони 4 348 тага етди.

Инвестиция соҳасида 421 та лойиҳа амалга оширилиб, 6 313 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, янги меҳмонхоналар, туризм қишлоқлари ташкил этилди, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида 3 та ийрик туризм кластери фаолият бошлади.



Сенат қўмитасида

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАД

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлисида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда экология йўналишларида белгиланган устувор вазифалар, жумладан, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, экологик вазиятни тубдан яхшилаш ва экологик муаммоларни бартараф этиш, “яшил” иқтисодиётга ўтишни жадаллаштириш ҳамда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича белгиланган мақсадларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Стратегияда “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган

қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини, қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш ҳамда ирригация тизими ва сув тежовчи технологияларни ривожлантириш, соҳа бошқарувида хусусий сектор ҳамда давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш каби аниқ мақсад ва вазифалар кўзда тутилган.



Давра суҳбати

КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Киберхавфсизликни таъминлаш ва миллий рақамли инфратузилмаларнинг барқарорлигини мустақамлашдаги устувор вазифалар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Рақамли технологиялар, Ташқи ишлар вазирликлари, Парламент тадқиқотлари институти ва бошқа илмий-тадқиқот ташкилотлари вакиллари, Ёшлар парламенти аъзолари иштирок этди.

Жорий йилнинг 13 январь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган

ййгилишида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириш шароитида киберхавфсизликни таъминлаш ва миллий рақамли инфратузилманинг барқарорлигини мустақамлаш алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланиб, мутаассадиларга шахсга доир маълумотлар ва рақамли тизимлар ҳимоясини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш вазифаси топширилди.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2026 йилда:



саноатда “Унумдорлик ва самарадорликни икки қарра ошириш” дастури бошланади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан меҳнат унумдорлиги ва энергия самарадорлиги бўйича алоҳида лойиҳа амалга оширилади.

Бу борада “Тўртинчи саноат инқилоби маркази” ташкил этилади. Марказ негизда робототехника, интернет буюмлари, “ақлли” фабрика каби “Индустрия 4.0” ечимларини саноат корхоналарида жорий этиш учун “тартибга солиш механизми” яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАД

➡ Хусусан, ҳар гектардан олинадиган ўртача даромади 5 минг долларга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилга 10 млрд. долларга, ҳосилдорлик кўрсаткичларини пахтачиликда ўртача 45 — 50 центнерга, галла бўйича 90 — 100 центнерга етказиш назарда тутилган. Шунингдек, сув ҳўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга беришни 2012 тага етказиш, насос станцияларини модернизация қилиш, уларнинг электр энергияси истеъмолини кескин камайтириш, сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларини сув тежовчи технологиялари билан таъминлаш даражасини 100 фоизга чиқариш ҳам мақсад қилинган. Бундан ташқари, “иссиқхона газлари”нинг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан ҳажмини 2010 йилдагига қараганда 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами энергия генерацияси (истеъмоли)даги улушини 54 фоизга етказиш, шаҳарлар ҳудудининг камида 30 фоизини яшил майдонлар ташкил этишини таъминлаш, шунингдек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган республика бўйича умумий яшил майдонлар ҳажмини 37,5 фоизга кенгайтириш ҳам истиқболдаги режа сифатида белгиланган.

Сенаторлар муҳокама жараёнида иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари сифатини яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

«Халқ сўзи».

Очиқ парламент

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРДА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан онлайн брифинг ўтказилди.

“ZOOM” платформаси орқали ташкил этилган очиқ мулоқотда ОАВ вакилларига қўмитанинг 2025 йилги фаолияти ажунари ҳамда жорий йилдаги режалари юзасидан ахборот берилди.

Таъкидланганидек, қўмита ўтган йилдаги фаолиятида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталаридаги нутқларида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини фаол муҳофаза қилиш каби муҳим йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга устувор аҳамият қаратди.

Гўлруҳ АГЗАМОВА,
Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари 2024 йил ноябрь ойида парламент палаталари мажлисларидаги нутқларида Қонунчилик палатаси олдида улкан вазифалар турганини таъкидлаб, қатор муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сурган эди. Шундан келиб чиқиб ўтган вақт мобайнида ўз фаолиятимизни янгича руҳда ташкил этдик. Хусусан, қўмитамизда қонун ижодкорлиги жараёни анча жонланди. Жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгиллаштиришга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилинди.

Масалан, қўмитамиз аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан фуқаролар йиғини раисини ваколатлари муддатини уч йилдан беш йилга узайтириш, фуқаролар йиғини раисини ваколатлари муддатини илгари тутилган тақдирда бўшаб қолган ўринларга янги сайлов ўтказиш орқали фуқаролар йиғини раисини беш йил муддатга сайлаш тартибини белгиллаш назарда тутилди.

Мазкур ҳужжат фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятини ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини уюштириш ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар ишининг самарали ташкил этилишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бугунги кунда ҳам қонун лойиҳаларининг илмий асосланганлигига чуқур эътибор қаратиб, мамлакатимиздаги илмий институтлар, “ақл марказлари” билан самарали ҳамкорлик олиб бораёмиз. Бу, ўз навбатида, сифатли, халқлик, амалиётда самарали ишлайдиган қонунлар қабул қилинишида муҳим омил бўлаётди.

ЎҚШМА ЛОЙИҲАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев ҳамда Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Йозеф Родж билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон ва Венгрия муносабатларининг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Жумладан, икки давлат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, таълим, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида тажриба алмашиш, шунингдек, халқаро парламент ташкилотларининг ўзаро муносабатларини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда иқтисодий дипломатия имкониятларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни жалб этиш, меҳнат миграцияси йўналишида ҳамкорликдаги ишларни кенгайтириш каби масалалар бўйича қатор тақлифлар илгари сурилди ва алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган қўшма лойиҳалар ва тадбирлар ташкил қилишга келишиб олинди.

МАДАНИЙ ЯҚИНЛИККА АСОСЛАНГАН ИСТИҚБОЛЛИ ШЕРИКЛИК МОДЕЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони ўртасида бўлиб ўтган мулоқот нафақат икки давлат ҳамкорлигининг навбатдаги босқичини белгилаб берувчи шериклики мустаҳкамлаш, балки минтақавий ва глобал миқёсда янги имкониятлар эшигини очиши билан аҳамиятлидир.

Муносабат

Учрашувда 2025 йил май ойида Самарқандда эришилган олий даражадаги келишувлар изчил амалга оширилиб, икки мамлакатнинг шериклиқда ривожланиши учун катта истиқбол яратаетгани таъкидланди. Айтиш лозимки, Ўзбекистон ва Италия ўртасида товар айирбошлаш ҳамжи ҳамда қўшма корхоналар сони барқарор ўсиб, ҳудудлараро алмашинувлар, айниқса, Ломбардия билан ҳамкорлик иқтисодий ва стратегик манфаатларини таъминлашга катта ҳисса қўшапти.

Шу маънода, ушбу мулоқот стратегик аҳамиятга эга бўлиб, глобал иқтисодий қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этувчи Италия билан мамлакатимиз ўртасида шериклики янги босқичга кўтарилди. Чунки мазкур давлат бугунги кунда дунёнинг энг йирик иқтисодиётларини бириктирувчи “G20” аъзоси, шунингдек, “G7” давлатлари қаторида жонхон иқтисодий барқарорлиги, молиявий бозорлар, саноат сиёсати ва

энергия хавфсизлиги масалаларида муҳим ўрин тутди.

Янада аниқроқ айтсак, Италия жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлари рейтингига 10-ўринни, Европа Иттифоқи аъзолари орасида эса 3-ўринни эгаллайди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда етакчилардан бири бўлиб, юқори қўшилган қийматга эга саноат, машинасозлик, кимё, фармацевтика, дизайн ва агросаноат маҳмуаларига таянади.

Италия экспорт салоҳияти, инновацияларга асосланган кичик ва ўрта бизнес модели ҳамда энергия трансформацияси соҳасидаги илгор тажрибаси туфайли глобал иқтисодий тизимнинг муҳим бўғинига айланган. Айнан шу омиллар уни Ўзбекистон учун стратегик иқтисодий шерик сифатида намоён этади.

Ўз навбатида, мамлакатимиздаги барқарор макроиқтисодий ўсиш, ташқи савдо ҳажмининг ортиши, инвестиция муҳитининг яхшиланиши ва юқори технологияли тармоқларни ривожлантиришга қаратилган

Учрашув

ФАОЛ ЁШЛАР БИЛАН САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенати аъзолари Рустам Калонов ва Шавкат Аюпов турли соҳаларда фаолият юритаётган ёшлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашув давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда навқирон авлоднинг ўрни, қонун ижодкорлиги ва парламент фаолиятидаги иштироки, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш механизмлари муҳокама қилинди.

Сенаторлар ёшлар билан бевосита мулоқот жараёнида уларни қизиқтирган тақлиф ва та-

шаббусларни тинглаб, ўз фикрлари ва тавсияларини билдирди. Мулоқотда Ёшлар парламенти аъзолари ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, парламент назорати жараёнларида йигит-қизлар иштирокини кенгайтириш ҳамда ҳудудларда навқирон авлод билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тақлифларни илгари сурди.

«Халқ сўзи».



КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ

➡ Тadbирда киберхавфсизликни таъминлаш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш, шунингдек, шахсга доир маълумотлар ва рақамли ахборот ҳимоясига эришиш йўналишидаги устувор вазифалар ҳақидаги маърузалар тингланиб, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, замонавий дунёда рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди ҳамда сунъий интеллект технологиялари иқтисодиётдан тортиб таълим, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқарув тизимигача чуқур кириб бормоқда. Шу билан бирга, кибержиноятчилик сони ортиб, инсоният учун янги глобал хавф-хатарга айланмоқда.

Мамлакатимизда 31 миллиондан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланмоқда. Шу билан бирга, сўнгги беш йилда юртимизда кибержиноятлар сони 68 баробарга кўпайган. 2025 йилнинг ўзига 46 мингдан ортиқ кибержиноятлар аниқланган. Улар орқали жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар 1,2 трлн. сўмдан ошган. Бу рақамлар ҳам давлат органларидан мазкур соҳага кенгроқ эътибор қаратиш ҳамда зарур чораларни кўриши тақозо этмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан шахсга доир маълумотлар билан ишлашда киберхавфсизлик талабларини такомиллаштириш, соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини кучайтириш, унинг профилактикасига эътиборни қатъийлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, кибержиноятчиликнинг янги турларига қарши самарали кураш олиб бориш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кибержиноятларга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ўзларининг аҳоли билан мустаҳкамлаш зарурати қайд этилди.

Яқунда фуқароларнинг рақамли ва сунъий интеллект технологиялари соҳасидаги билимларини янада юксалтириш мақсадида жойларда тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».



ислохотлар Италия капитали ҳамда технологиялари учун кенг имкониятлар яратмоқда. Эътиборлиси, Италия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда шериклик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 30 майида Остона шаҳрида “Марказий Осиё — Италия” форматдаги биринчи саммит бўлиб ўтгани бу борадаги ҳамкорликка янги мазмун ва амалий қиймат бағишлади. Икки давлат ўртасида саноат кооперацияси, “яшил” иқтисодиёт, инфратузилма, қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш соҳаларида қўшма лойиҳалар барқарор иқтисодий ўзаро боғлиқлики таъминламоқда.

Учрашув давомида таълим, фан ва инсон капитали ривожига қаратилган масалаларга ҳам урғу берилди. Самарқанд шаҳрида очилган Тушма университети филиали Италиянинг илмий салоҳиятини Ўзбе-

Абдулло ХУСАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан қўмитанинг 2025 йилги фаолияти ажунари ҳамда жорий йилдаги режалари юзасидан ОАВ вакиллари учун очиқ мулоқот ва пресс-тур ташкил этилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Рақамли технологиялар вазирлиги масъуллари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, қўмита ўтган йилдаги фаолиятини Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг мажлисларидаги нутқлари, “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда Қонунчилик палатасининг Ҳаракатлар дастури асосида ташкил этди.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раисини раис:

— Давлатимиз раҳбари парламент палаталари мажлисларидаги нутқларида қонун лойиҳаларини сифатини яхшилаш зарурлигини таъкидлаган эди. Утган даврда Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар таркибидан бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг салмоғи ортди. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда белгиланган вазифалар ижроси бўйича қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Хусусан, қўмитамизнинг бир гуруҳ депутатлари томонидан “Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибига солиниш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Мазкур қонун шу йил 21 январь кунин Президентимиз томонидан имзоланди.

Ушбу ҳужжат сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантириш, улардан фойдаланишнинг умумий асосларини белгиллаш ҳамда мазкур соҳада юзага келадиган муносабатларда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Беҳзод ТўХТАМУРОВОВ,
қўмита аъзоси:

— Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг бурчи ҳисобланади. Шу

боис бу иллатга қарши курашиш бўйича қатор қонунлар қабул қилиниб, янги тизим яратилди.

Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида ҳам унга қарши курашиш доимий жараён эканини қайд этиб, бу борадаги долзарб масалаларни ва келгуси вазифаларни кўрсатиб берди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, қўмитамиз томонидан киберкоррупция йўналишидаги муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига давлат органлари фаолиятининг рақамли шаффофлигини таъминлашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжат коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини шакллантириш, фуқароларнинг давлат органларига ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек, давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дилёр ХУСАНОВ,
қўмита аъзоси:

— Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида инновациялар ва ахборот технологиялари соҳасида муҳим вазифалар белгилангани қўмитамиз аъзолари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Шундан келиб чиқиб, аввало, мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Жумладан, қонунчилик жараёнларининг тезкор ва сифатли бўлиши, пар-

ламент назоратининг самарадорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилишнинг илгор усулларини қўллаш мақсадида Қонунчилик палатаси фаолиятига, қонун ижодкорлиги жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий этишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, электрон хизматлардан фойдаланишда фуқароларга қулайликлар яратиш, улар иштирокини янада ошириш, аҳолининг барча қатламлари, жумладан, ногиронлиги борлар, кексалар ва олис ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг рақамли имкониятлардан фойдаланишини кенгроқ таъминлаш мақсадида “Рақамли ҳукумат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Бу йил қўмита фаолиятига алоқадор вазирликлар ва идоралар томонидан Давлат бюджет ва мақсадида жамғармаларнинг сарфланиши, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг қай даражада ҳал этилаётгани доимий равишда ўрганиб борилади.

Мулоқотда ҳисобот йилида инновациялар ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг иш юритишини рақамлаштириш, улар фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш каби муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилгани қайд этилди.

Кўриб чиқилган йилда қўмита 11 та қонун лойиҳасига масъул бўлгани, улардан 9 таси қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилгани, 2 таси иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрланётгани ургунди. Шунингдек, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш давомида уларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор берилгани айтиб ўтилди.

Очиқ мулоқотда қўмитанинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши мамлакатимиз хавфсизлик ва мудофаа сиёсатида мазмунан янги босқич бошланганини кўрсатди.

Йиғилишда билдирилган фикр ва вазифаларни бугунги глобал ҳамда минтақавий ўзгаришларга берилган тизимли жавоб сифатида баҳолаш мумкин. Сабаби, бугун жаҳонда ҳарбий-сиёсий вазият беқарорлашиб бораётган, минтақавий моҳирлар кенгайиб, қуролланиш пойғаси янги шакл касб этаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг хавфсизликка оид ёндашуви таҳсинга сазовор.

Нуктаи назар

Бугун хавф-хатарлар фақат ҳарбий майдон билан чекланиб қолмапти. Киберхужумлар, ахборот хуружлари, сунъий интеллект, иқтисодий босим ва геосиёсий таъсир ўтказиш воситалари давлат хавфсизлигини сақлаб қолишга уринишлари натижасида юзага келган хаос ушбу воқеаларга замин бўлди. Айнан шу ҳолат бутун дунё бўйлаб кескинлик ўчоқлари сонининг кўпайишига олиб келди.

“Michael Bauer International” гео-ахборот хизмати томонидан тайёрланган “2025 йилги хавфсизлик бўйича ҳисобот”да дунё бўйлаб турли шиддатдаги 1450 та низо қайд этилган. Бир йил ичида уларнинг сони 70 тага кўпайган, 18 та низо эса ҳал қилинган. Урушлар 31 та давлатга тарқалган. Шу билан бир қаторда, йирик давлатлар томонидан кичикроқ мамлакатлар суверенитети ва мустақиллиги, ҳудудий ахлитлигига таъжовулар ортиб бормоқда. Бундай шароитда воқеаларнинг шунчаки қузатувчиси бўлиш ярамайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг барча соҳа ва тармоқларни “проактив иш режими”га ўтказиш ҳақидаги талаби бугунги глобал вазиятга берилган энг тўғри ва ўз вақтидаги жавоб бўлди. Энди хавфга жавоб бериш эмас, хавфни олдиндан кўра библиш ва бартараф этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Халқро тажриба ва миллий амалиёт

Ўзбекистон Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини нафақат мустақамлаштириш, балки уни минтақадаги энг замонавий ва жанговар армиялардан бирига айлантирди. Жаҳон тажрибаси ва таҳлиллардан келиб чиқиб, ички ҳамда ташқи хатарларнинг ол-



дини олиш ва бартараф этиш бўйича янги жанговар бўлиналар тузилди, қўшинлар таркиби оптимallashtirildi.

Миллий армиямизда учувчисиз учиниш аппаратлари бўлиналарининг ташкил этилиши стратегик қадам бўлди. Армияни рақамлаштириш жараёни эса бошқарув тизимининг теъкорлигини таъминламоқда. Рақамли технологиялар қўшинларни бошқаришда инсон омиллини камайтириб, қарор қабул қилиш вақтини бир неча баробарга қисқартирди. Армияни модернизациялаш ва замонавий қуроллантиришнинг янги тизими — мудофаа саноати янада ривожлантирилиб, қўшимча корхоналар очилди. Машгулотлар сони ва шиддатининг 1,5 баробарга кўтарилгани эса — шунчаки рақам эмас. Бу ҳарбий хизматчиларнинг реал жанговар шароитларга мослашувчанлигини ошириш, демаскидир.

Янги тактик усулларнинг жорий этилиши эса қўшинларнинг нафақат аънаваний фронт чизигида, балки шаҳар шароитида, тоғли ҳудудларда ва локал низоларда ҳам муваффақиятли ҳаракат қилишига замин яратмоқда. Халқро “Global Figurer Index” рейтингида Ўзбекистон армияси Марказий Осиёда биринчи, МДҲда тўртинчи ва дунёнинг 162 давлати орасида 58-ўринда қайд этилган. Ушбу индекс мутахассислари армияларни баҳолашда 60 дан ортиқ мезонларни ҳисобга олган. Бу рақамлар ҳам миллий армиямизнинг тобора илгорлар сафидан жой эгаллаётганини намойиш қилади.

Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг ташкил этилиши Ўзбекистон ҳарбий таълим тизими-

даги энг муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Президентимиз ташаббуси асосида иш бошлаган бу олийгоҳнинг мақсади шундан иборатки, бугунги аскар ва офицер фақатгина қуролни ишлата билиши кифоя эмас, у таҳлил эта оладиган, тезкор қарор қабул қиладиган ва юқори технологияларни бошқардиган интеллектуал шахс бўлиши лозим. Сунъий интеллект асосидаги ўқитиш тизимларининг жорий этилиши кадрлар тайёрлаш жараёнини индивидуallashtirishi ва баҳолашда ҳолисликни таъминлаш имконини бермоқда. Бу келажакдаги “ақлли урушлар”га бугундан тайёргарлик кўриш, демаски.

Ҳар қандай замонавий қурол, агар уни бошқараётган инсоннинг руҳияти мустаҳкам бўлмаса, самара бермайди. Шу нуктаи назардан, миллий армиямизда маънавий-руҳий тайёргарликка берилаётган эътибор ватанпарварлик ҳиссини фақат широрларда эмас, балки ҳар бир ҳарбий хизматчининг онгида шакллантиришга йўналтирилган.

Энг катта инқилобий ўзгаришлардан бири — муддатли ҳарбий хизматнинг ижтимоий моҳияти ўзгартирилаётгани. Эндиликда армия ёшлар учун йўқотилган бай йил эмас, балки муваффақият майдонида айланмоқда. Ҳарбий қисмларда 3 — 6 ойлик касбга тайёрлаш курсларининг жорий этилиши аскарнинг уйга сертифициланган мутахассис бўлиб қайтишни таъминлайди. Бу меҳнат бозоридеги ишсизлик муаммосини ҳал қилишда ҳам муҳим омилдир. Шу билан бирга, Қуролли Кучларда IT авлодини шакллантириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳаларига ҳар йили 5 минг аскарнинг жалб қилиниши билан давлатнинг келажакдаги рақамли иқтисодиёти учун кучли захира яратилади.

Хайрли ташаббуслар

Президентимиз раислигида ўтган йиғилишда Мудофаа доктринасини янгилаш борасидаги ташаббус ҳам илгари сурилди. Давлатимиз раҳбари 1997 йилдаги Миллий хавфсизлик концепцияси ва 8 йил олдинги Мудофаа доктринасини қайта кўриб чиқиш топширини берди.

Бунинг сабаблари аниқ: саккиз йил аввалги таҳдидлар билан бугунги хавфлар ўртасида катта фарқ бор. Учувчисиз учиниш аппаратлари, сунъий интеллект ва рақамли бошқарув тизимлари уруш олиб бориш тактикасини ўзгартириб юборди. Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий

блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, ўз мудофаа салоҳиятини мустақил ва юқори технологиялар асосида ривожлантириш йўлидан боради. Янги доктрина мамлакатимизнинг ҳеч кимга таҳдид қилмаслик, лекин ўз чегараларини даҳлсиз сақлаш таъминлини ҳуқуқий ва стратегик жиҳатдан мустақамлайди.

Янги доктринада ҳам блокларга қўшилмаслик сиёсати устувор мақсад бўлади. Ўзбекистон ўз мустақил ташқи сиёсатини давом эттириб, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга аъзо бўлмайди. Бу мамлакатимизнинг минтақавий барқарорлик маркази сифатидаги мақомини мустақамлайди. Янгиланган доктринада кўп томонлама дипломатия ва қўшини давлатлар билан тинчлик-товушлик таъминли Ўзбекистон учун устувор бўлиб қолаверади.

Ҳар қандай армия нафақат замонавий қурол-ярғок, балки маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилган, ўз оиласи ва келажакдан кўнгли тўқ ҳарбий хизматчилар билан кучлидир. Ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва устамаларнинг оширилиши шунчаки иқтисодий кўмак эмас, балки давлатнинг ўз ҳимоячиларига бўлган юксак эътибори намунаси.

Президентимиз қайд этганидек, ҳарбий хизматчилар меҳнатини кадрлаш доимо диққат-эътибориниз марказида бўлиши зарур. Чунки энг замонавий қуролни билимли ва ижтимоий ҳимояланган инсон бошқаради. Ижтимоий ҳимоя — жанговар шайлик кафолати ҳам. Йиғилишда эълон қилинган ижтимоий пакетлар кўлами жуда кенг. Яъни 1 апрелдан офицерлар устамасининг 2 қарра оширилиши, сержант ва аскарлар маошининг кўтарилиши ҳарбий хизматнинг нуфузини янги босқичга олиб чиқади.

Ҳудудий мудофаа ишлари бўлимларидаги ҳарбий бўлмаган ходимлар ойлгининг босқичма-босқич 20 ва 50 фоизга оширилиши тизимнинг ҳар бир бўғини эътиборда эканидан далолат. 30 йилдан ортиқ хизмат қилган фахрийлар учун пенсия миқдорининг 100 фоизга етказилиши — бу Ватанга садоқат билан хизмат қилиш муносиб кадрланади, деган

Айтиш жоизки, Хавфсизлик кенгаши йиғилиши Ўзбекистон армиясини нафақат қурол билан, балки юксак ижтимоий мақом ва замонавий илм билан қуроллантиришга қаратилган стратегияни белгилаб берди. Бу мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Янги Ўзбекистоннинг мустақам келажиги учун қўйилган муҳим қадамдир. Тинчликни сақлаш — унинг ҳимоясига ҳар лаҳзада тайёр туриш, демаски. Президентимиз илгари сурган янги вазифалар айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори.

Қулайлик НУКУС КЎЧАЛАРИДА ЭЛЕКТРОБУСЛАР

Нукус шаҳрида аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати сифати янги босқичга кўтарилмоқда. “Sapsan Trans Nukus” корхонаси Хитой давлатидан 12 та электробус олиб келгани ҳам шундан далолат беради. Бу экологик тоза ва тежамкор транспорт воситаларида имконияти чекланган йўловчилар қичиб-тушиши учун пандуслар мавжуд, мобил телефонларни қувватлаш жиҳозлари ўрнатилган.



— Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ҳамда Нукус шаҳрида жамоат транспортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида яна 200 та янги автобус олиб келиниши режалаштирилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлигининг сектор раҳбари Муратбай Жиёмуратов. — Бугунги кунда шаҳар бўйлаб 20 та йўналиш ташкил этилган бўлиб, уларни замонавий транспорт воситалари билан тўлиқ таъминлаш назарда тутилган.

Айни пайтда “Sapsan Trans Nukus” корхонаси томонидан хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида Нукус шаҳрида 200 та автобус симиғига эга бўлган замонавий парк барпо этилмоқда. Бу эса транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва ҳайдовчилар учун муносиб шароит яратиш имконини беради.

Файрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ФАРҒОНА

томонларда...

ҲОСИЛДОРЛИК НИМАГА БОҒЛИҚ?

Риштон туманидаги “Қошқайрон” маҳалла фуқаролар йиғинида икки йилдан буён Европадан келтирилган ва совуққа чидамли қулупнай навлари етиштирилмоқда.



Яъни Италия, Польша, Туркиядан олиб келинган эр-тапишар ва серхосил, муҳими, экспортбон навлар маҳаллий иқлим шароитига осон мослашди. Маҳалла миришкорлари қулупнайнинг Жаңубий Кореядан келтирилган навларидан ҳам мўл ҳосил олиб келмоқда.

Хусусан, Фаррух Каримжонов томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонада илгор агротехнологиялар ёрдамида интенсив усулда парваришланаётган қулупнай илк ҳосил нишонларини кўрсатди. Яқин кунларда сифатли ва экологик тоза маҳсулот ички бозорга етказиб берилади.

— Ҳозирда 50 га яқин аҳоли хонадонларидаги иссиқхоналарда илм-фан ютуқлари ва инновацияга ғоялари асосида жаҳон бозори талабларига мос маҳсулот етиштирилмоқда, — дейди “Қошқайрон” МФЙ раиси Дилмуроджон Ҳамроев. — Бу йил ҳам маҳаллада оилавий тадбиркорлик, томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 40 та микролойиҳа ишлаб чиқилди.

БОЛАЛАРНИНГ ҚУВОНЧ МАСКАНИ

Марғилон шаҳрининг “Пичоқчи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ногиронлиги бўлган болалар учун “Қувончли уй” номли кундузги парваришлаш хизмати ташкил этилди.



Тадбиркор Мунисахон Бобобекованинг ушбу ташаббуси Марғилон шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 40 ўринга мўлжалланган, 3 дан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларга ушбу шинам масканда малакали хизмат кўрсатила бошланди. “Қувончли уй”да дефектолог, терапевт ҳамда психолог муложаси ҳам амалга оширилади.

— Маскан ишга тушиши билан 16 та янги иш ўрни яратилди, — дейди лойиҳа ташаббускори М. Бобобекова. — Айтиш жоизки, “Қувончли уй” фаолиятини йўлга қўйишда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 27 февралдаги “Ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлди.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ДУНЁ КЕЗАДИ

Қувасой шаҳридаги “Ҳамдўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Розияхон Маллабоева бир неча йилдан буён миллий андозаларга мос қўғирчоқлар тайёрлаш билан шуғулланиб, маҳалладошларига ҳам ушбу ҳунар сир-асрорини ўргатиб келаётди.



Айни пайтда 15 нафар қиз ушбу ҳунар бўйича сабоқ олмақда. Эътиборлиси, тажрибали ҳунарманд ижтимоий тармоқда махсус савдо платформасини ташкил этиб, ўз маҳсулотларини Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида жойлашган туризм масканларига етказиб бераётди.

— Кенг ассортиментдаги қўғирчоқлар тайёрлашда ижодий фикрлаш муҳим аҳамият касб этади, — дейди моҳир ҳунарманд. — Шунинг учун маъзур ҳунар билан шуғулланиш жуда завқли. Оиламиз билан асосий ишимиздан сўнг биргаликда меҳнат қилиб, ҳар ойда қўшимча 5-6 млн. сўм даромадга эга бўляпмиз.

Ушбу маҳаллада ўзбек, қирғиз, тожик ва татар миллатига мансуб 2,5 минг нафар аҳоли яшайди ва ҳар бир оила муҳим даромад манбаига эга.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ЗАРИФ СЎЗ ЗИЁРАТИ

Замонавий ўзбек тилшунослигининг йирик вакили, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудовнинг “Зариф сўз зиёрати” номли янги китоби чоп этилди. Синчи олимнинг илмий ва ҳаётий мушоҳадаларидан юзага келган қуйма, оҳорли, заллари баланд қарашларидан иборат мазкур китобни халқимиз, айниқса, ижодкор зиёлилар, тилшунослар, талаба-ёшлар катта хайрихоҳлик билан кўтаринки руҳда кутиб олди.

Мутолаа

Бугунги кунда ушбу тўплам қўлма-қўл ўқилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Илмий фаолияти давомида 50 дан ортиқ монография, дарслик, рисола, ўқув қўлنامа ва луғатлар нашр эттирган, 1000 га яқин илмий, илмий-оммабоп ва публицистик мақолалар эълон қилган олимнинг нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам обрў-эътибори баланд. Илмий ишланмалари АКШ, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон каби қатор мамлакатларда босилиб чиққан ва халқаро майдонда эътироф топган.

“Зариф сўз зиёрати” китобида муҳтарам олимимизнинг қарийб эллик йиллик илмий-адабий фаолиятига доир, тағига чизиб ўқиладиган тоза фикрлар, китобу мақолаларнинг қаймоғи жамланган. Уни ўқиркансиз, беихтиёр она тилимиз жозибаси, сўз қудрати, миллат маърифати ҳақида мушоҳадага бериласиз.

Халқ бирлиги тимсоли

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий сўзга таъриф бериб, шундай ёзади:

Маъдани инсон ҳаҳари сўз дурру,

Гулишани одам самари сўз дурру.

Сўз — тафаккур қудрати, инсоний камолот мезони. Миллатни миллат, халқни халқ ўлароқ тасаввур этиш, унинг асрлар оша ашаб келадиган абадий анъаналари, ўзига хос руҳиятини, тарихи, шаклланиш омиллари, жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги ёрқин ўрнини билиш учун ҳам, аввало, тилига эътибор бериш лозим. Чунки тил — миллий қадриятлар шукунини ўзида жамулжам этган битмас-туғаммас маънавий хазина, ўзлик иморатининг пойдевори, тириклик таянчи, миллат мавжудлигининг бекиёс тимсолидир.

Шубҳасиз, тил — мураккаб ҳодиса. Тил тарихи — бу миллат тарихи. Унинг замирида ажодларининг некин қарашларидан улғу олиб, меъни қудратини дунё тамаддуни саҳнида кўз-кўз этган мағрур ва ўқтам авлодларнинг улғувр табиати бор буй-баста билан намоён бўлади. Тил тадқиқотчиси эса бу бебаҳо бойликнинг мунтазам соқчисидир. Ватан чегарасида кечаю кундуз ўйғок ва шай турган жасур посбон мисол у ҳам ҳаммиса, ҳар лаҳза сергак ва хушёр бўлмоғи шарт. “Тил соқчиси”нинг иши хийла қийинроқ ҳам: бугунги шиддатли глобаллашув замонида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда давлатлараро интеграциялашув жараёнининг чуқурлашиб бориши фонида тилнинг луғат бойлиги турли-туман янги сўзларни қабул қилишга ҳар қачонгидан-да кўпроқ мойиллик сезиши табиий. Бу эса тилнинг мил-

лий ва безавол қиёфаси, софлигини тўла-тўқис муҳофаза этиш вазифасини янада мураккаблаштиради. Шунга қарамай жонқуяр олим “Зариф сўз зиёрати”да ёзганидек, “она тилини бошқа тилларнинг таъйиқидан, сўз босқинидан асрамоқ керак, кўримоқ зарур”.


Аслида, дунё тиллари бир-бири билан доимий алоқадорликда, ўзаро таъсир натижасида ривож топади. Уларни мутлақ айро бир тарзда тасаввур этиш, бирини иккинчисига буткул “бегона” қилиб кўрсатишга уриниш ҳам беҳуда ва бефойдадир. Олим бу ҳақда аниқ бир хулосага келган: “Ёр юзидаги тиллар орасида биронта ҳам мутлақо соф тил йўқ. Ҳамма замонларда бир тилдан бошқасига, кўндир-камдир, сўз ўтиб турган, бир тил бошқасига у ёки бу даражада таъсир қилган”. Фақат ҳар бир тил кўп минг йиллик тараққиёти давомида аниқ ва қатъий қонуниятларига эга бўлиб, халқ ва миллат руҳини ўзида акс эттиришини эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Шу маънода, ўзбек тилининг чексиз имкониятлари, битмас-туғаммас ва хилма-хил сўз хазинасига эътибор қаратмай, ўзга тилларнинг сеҳру жозибасига кўр-кўрона маҳлиёлик туйғуси ила боқиш ҳам миллатнинг қадр-қиммати, ҳамияти ва ориятига бўлган напосандлик, ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Тилга ҳибнат — элга, юртга ҳибнат, демак. Аниқроғи, “ўз она тилини мукамал билган, бу тилдаги тафаккур тарзи турғунлашган, бу тил оҳангларидан узун хузуур туя биладиган одамгина бошқа тилини қулай ўрганади ва айни пайтда бошқа тилнинг бу демакки, бегона маданияту менталитетнинг қулига айланмайди” (“Зариф сўз зиёрати”).

Мазкур китоб мутолааси кўнгилда ана шундай ёниқ, фараҳли ўйлар уйғотади. Ўқувчини тил ва шахс, тил ва миллат, тил ва борлиқ, тил ва инсон камолоти хусусида атрофлича мулоҳаза юритишга ундайди.

Миллат гурури рамзи

Юртимизда, айниқса, маънавий-маърифий жабҳада амалга ошириладиган мисли қўрилмаган янгиланишлар инсон манфаатлари, хусусан, ёш авлоднинг ахлоқий баркамоллигига йўналтирилгандир. Она тили маърифати эса бу йўлда йўлчи олдиз мисоли олис манзилларни кўрсатиб, нурлантириб туради. Шундай экан, давлатимиз раҳбари ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, “**ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садо-**



қатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим”. Чунки тилга ҳаётимизда, бу — она тупроққа, шу азиз заминга, ота-она, ёр-биродар, яқинларга садоқат, боболару момоларимиз руҳи олдидаги ўлмас бурч ва масъулиятдир.

Тил — кўнгилга қанот берувчи азалий ва адабий нёмат. У эрк ва эрксеварлик маёғи. Утган асрнинг бошларида жадид боболаримизни хурият эпиклари сари бошлаган мардона туйғу ҳам она тилимизга бўлган чексиз муҳаббат ҳисси эди. Тилнинг софлиги, аслияти, қадр-қимматини сақлаб қолиш йўлида жонқуяр ва жонфидо жадидларимиз амалга оширган оламшумул ишлар барчамизга маълум. Мамлакатимиз раҳбари айтганидек, “**Жадидлар ғояси — Янги Ўзбекистон стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг**”. Бугун мамлакатимизда тилга, у билан боғлиқ ижобий ислохотларга айрича эътибор берилаётгани бу фикрларни далиллайди.

“Зариф сўз зиёрати” ҳам ана шу некин қарашлардан, тилимизга бўлган улкан эътибордан илҳомланиб яратилган. Китоб ўзбек тилига, унинг ҳаётбахш шукхи, бетақдор тароватига ошуватлиқ қайфияти билан йўғрилган. Унда Ватанга содиқлик, юртга фидойилик, эл ва тил тақдирига қуюнчақлик руҳи ифода топган. Умуман, “Зариф сўз зиёрати” ўз она тилига соҳибликдан ифтихор туйган самимият соҳибининг ҳаётий икорномадир.

“Она тили битта бўлади”, деб ёзади олим. Ҳукнома оҳангда айтилган ушбу фикр ўзгармас ва чўнг ҳақиқатнинг ўқтам овози, десак, асло хато эмас. Чунки “ўзбек тилига мунтазам эътибор, чексиз ҳурмат-эҳтиром жонжон Ўзбекистони-мизга туганмас ҳурмат ва муҳаббат демакдир” (“Зариф сўз зиёрати”).

Тафаккур таянчи

Тил нутқ воқелигини ифодалаб, тафаккур соҳибининг ахлоқий қиёфаси ҳақида ҳам муайян хулосалар чиқаришга кенг имкон яратади. Тил жонли жараён, у тинимсиз ўзгаришда ва ҳаракатда, қолаверса, ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида тил инсоннинг маънавий мартабасини белгиловчи бош омилдир. Китобдаги қуйдаги фикрлар

буни тасдиқлайди: “**Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассис, замон билан ҳамқадам ҳар қандай қадр, энг аввало, ўз она тилининг садоқатли соҳиби бўлмоғи лозим**”.

Тил — дунёни билиш воситасигина эмас, балки инсон ва инсонийликни кашф этиш “қалити”. Тил — тафаккур таянчи. Улғу мутафаккир ва шоир Алишер Навоий тил ва нутқнинг қудратли қучига юксак баҳо бериб, “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гуҳари шарифроқ, йўқ ондин” деганида, нечоғли ҳақли эди. Тўғри, жамият ҳаётида сўз коммуникатив вазифа бажаради, яъни у мулоқот воситасидир. Қолаверса, оддий сўзлашувда сўз ва гап тушунчалари бир қадар нисбий характерга эга: бири иккинчиси билдирган мазмунда ишлатилаверади. Тилшунослик эса сўзшунослик санъатидир. Тилшунос — сўзшунос, демак.

Тиббиётда касалликни ташхис қўлмасдан даволаб бўлмаганидек, тил илмида ҳам сўзнинг қайфияти — нутқ жараёнидаги марому макомини тўғри баҳоламасдан туриб, у ёки бу хусусияти ҳақида аниқ тўхтамга келиш қийин.

Сўз сайқали кўнгилга зеб, руҳга чирой бахш этади. Сўз завқига ошувта бўлмаган, мушоҳада лаззатидан фараҳ туймаган кўнгил юзакни тасаввурлар — қолиплардан ташқарига чиқмаган турғун қондалар таъсирида қўлиб кетаверади. Сўз эса эрк нафаси, хурият нашидасидир. Н. Маҳмудовнинг ёзишича, “**Она сўз бағрига боқира гўдақдай бош қўйиб, ҳузунсиз ҳузур ва тугунмас ҳайрат туя олган, бутун вужуди ила она сўз руҳига асир бўла олган кишиларгина ўтмишидан, ажодларидан, Ватанидан фахрлана оладилар**”.

Тил ва бадият

Инсон камолот чўққиларига, аввало, тарбия ва таълим билан юксалади. Изланиш ва ҳаракатлар бу йўлда унга қанот бағишлайди. Тарбия ва таълимнинг таянчи эса тилдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “**Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир. Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллалари, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тutsин**”.

Ҳақиқатан ҳам, она алласи, боболар ўғити, улўғлар ҳикматини тинглаб, сўз сеҳрига ошувталиқда улғайган авлодин ўтқинчи ҳою-хаваслар, юзакни истаклар осонгина енга олмайд — улар эътиқодда собитлик, юртга содиқлик, Ватанга фидойилик қайфияти билан камол топади. Бадий адабиёт эса кўнгил меҳварига инсонийлик фазилатларини сўз шукхи ила муқаддс воситасидир. Сўзнинг эстетик таъсир қуввати, ички — тўлқинлантирувчи гармонияси туйфали ижодкорнинг

санъаткорлик маҳорати, китобхоннинг бадий диди кўзга ёрқин ташланади. “Зариф сўз зиёрати”да сўз ва унинг бадий адабиётдаги мавқеи борасида ҳам қимматли фикрлар баён қилинган. Жумладан, “**бадий сўзнинг мақсади азалдан китобхонни камолот дунёсига даъват этишдан иборат бўлган**”, дейди нуктадон муаллиф.

Сўзнинг жони бор — матннинг “қон гуруҳи”га тушмаса, “хориж”лиги билиниб, бошқа “сафдош”лари билан қайфияти қайфиятига, ранги рангига мос тушмай, тоқатсизланиб — “жони оғриб” тураверади. Шу сабабли, “Сўзни ҳолин боқма, боқ сўз холини...”, дейди буюк сўз санъаткори Алишер Навоий. Сўзни сўзни сайлаб, саралаб, сайқаллаб ишлатмоғи лозим. Чунки олимимиз айтганидек, “**адиб, шоир, журналист маҳоратининг ибтидоси тилини тўғри ва бенуқсон қўллай билиш малакасидан, зийрак сўз сөгисидан ва севгисидан бошланади**”. Ёки “**бадий, хусусан, шеърини нутқда ҳар бир сўз бошқа ҳар қандай контекстдагидан салмоқли ва нафисроқ бўлади. Шеърятда сўзнинг вазифаси ортади, сўз эстетик бутунлик сифатидаги асарнинг узвий қисмига айланади. Шоир ўз ўрнида қўллаган, шеърда муносиб жойини топа олган сўзгина эстетик имкониятини тўлалигича намоён этмоғи мумкин. Уринсиз қўлланган биргина сўз, ҳатто биргина қўшимча ёки товуш ҳам асарни чиппака чиқариши тайин**”.

Шубҳасиз, бадий асар тили — ижодкор тили. Адабий матн эса маҳорат майдонидир. Унда ҳар бир жиҳати: товуш товланиширо ҳарф қўлланганига эътиборда тутиш жоиз. Чунки “**ҳақиқий шеърда ҳар бир сўз, қўшимча, тиниш белгиси муайян, мунтазам эстетик қўimmatга эга**”.

Мазкур китоб 15 фаслдан таркиб топган. Ҳар бир фасл олимнинг илмий хулосалари, ҳаётий қарашлари билан уйғунлиқда ахлоқий қиёфасидаги ўзига хосликларни ҳам ифода этган: “Тил — беимисл ва муҳташам синоат”, “Тил сиёсати ва сиёсат тили”, “Тил таълими оиладан бошланади”, “Сўзга синчилик саодати”, “Жўяли нутқ силрлари”, “Тил ва фазилат илми”, “Сўз ва санъат”, “Тил ва тафаккур”, “Тил таълими ва идрокки масалалари”, “Сўз ва бадият”, “Ёзув — тилининг либоси”, “Тил таълими ва муаллим”, “Китобхонлик ва нашр маданияти”, “Маърифатнинг ойдин манзиллари”, “Тил ва миллий нигоҳ”. Умуман, “Зариф сўз зиёрати” теран, фалсафий қарашларга бой, миллатсеварлик, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган, ижод заҳки ва сўз севгиси борасида жушқин, ҳаққоний фикрлар илгари сурилган ўзига хос маънавий жамламалар. Китоб Янги Ўзбекистонда камол топаётган ёш авлодин она Ватанга, она тилимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда, уларга сўз маърифатини чуқурроқ англатишда муҳим аҳамият касб этади.

Мақсуд АСАДОВ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директор ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор.



Волейбол: 2026 йилнинг илк муҳим мусобақаси

Волейбол бўйича 2026 йилнинг илк йирик мусобақаси — Ўзбекистон чемпионати олий лига 1-тур баҳсларининг тантанали очилиш маросимида Осиё волейбол конфедерацияси президенти Рамон Сузара қатнашади. Бу ҳақда Ўзбекистон волейбол федерацияси хабар қилмоқда.



Айтилишича, 22 — 29 январь кунлари эркаклар жамоалари ўртасида бўлиб ўтадиган чемпионат баҳслари халқаро тизимга интеграция қилинган “challenge” ёрдамида ўтказилади. Бу ҳар бир ўйин ҳаққоний, шаффоф ўтишини таъминлайди.

Мусобақа низомига мувофиқ, кеча қуръа ташлаш маросими, жамоалар учун мандат комиссияси йиғилишлари, ҳакамлар учун семинар машғулотлари ташкил этилди.

22 январдан пойтахтимиздаги “Олимпия шахарчаси” жамоавий спорт турлари зали ҳамда “Жар” спорт-соғломлаштириш марказида олий лига 1-тур ўйинларининг гуруҳ босқичи учрашувлари бошланса, 24 январь кун чемпионатнинг тантанали очилиш маросими ўтказилади.

Стенддан ўқ отиш: мерганларимиз муваффақияти

Қатарнинг Доха шаҳрида стенддан ўқ отиш спорт тури бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Мазкур беллашувда ўзбекистонлик спортчилар ҳам қатнашиб, муваффақиятга эришди.



Жумладан, 17 та давлатдан 196 нафар спортчи қатнашган қитъа чемпионатида миллий терма жамоамиз аъзолари учта медални қўлга киритди. Мурасасиз баҳслар сарҳисобига кўра, трап йўналиши бўйича ёшларнинг яқаллик баҳсларида терма жамоамиз аъзоси Охунжон Абдуқодиров олтин, қизлар ўртасида Ярослав Эштаева қумуш, ёшлар умумжамоа баҳсларида Охунжон Абдуқодиров, Азамат Қаюмов ҳамда Шохрух Садировдан иборат спортчиларимиз 3-ўринни қўлга киритди.

Каратэ: «Shimkent open»дан 7 та медаль!

Қозоғистонда каратэ WKF бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида “Shimkent open” халқаро турнири ўтказилди.

Марказий Осиё мамлакатларининг ёшлар ва ўсмирлар жамоалари қатнашган мусобақада 15 нафар ўзбекистонлик каратэчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Мурасасиз баҳслар якунида терма жамоамиз аъзолари 1 та олтин, 2 та қумуш, 4 та бронза, жами 7 та медални қўлга киритди.

Истеъдодли каратэчиларимиздан Самандар Зокиров 60 килограммгача вазн тоифасида кечган мусобақаларда барча рақибидан устунлигини намойиш этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Сўхроб Саъдуллаев ва Саидабону Мусахонова қумуш, Зуфар Аннамуҳамедов, Муҳаммад-рашид Абдулатибов, Шохжаҳон Отахонов ҳамда Алиризо Шухратов бронза медалларига эга чиқди.

«Халқ сўзи».

ТУРИЗМ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҒИ



Ҳали қилинадиган ишлар кўп

Туризмни янада ривожлантириш мақсадида қатор стратегик вазифалар белгиланган. Жумладан, хизматлар сифатини халқаро стандартларга мослаштириш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари қўчайтирилади, ҳар бир вилоят ва туманининг туристик бренди шакллантирилади. Хусусий сектор ва инвестицияларни жалб қилиш кенгайтирилиб, давлат-хусусий шериклик асосида йирик туристик лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Мурожаатномада айтилганидек, Самарқандда Биби-хоним, Регистон мажмуалари, Амир Темури мақбараси,

Улғубек расадхонаси, Шоҳи Зинда ва Афросиёб музейини бир-бири билан боғлайдиган замонавий йўлак ва кўприклар барпо этилади. Шунингдек, Шаҳрисабзда “Фелон” йирик туристик мажмуасининг биринчи босқичи ишга туширилиши, Поп туманида “Арашан” тоғдаман олиш туристик зонаси ҳамда Хивадаги Ичан қалъани иммерсив — “жонли” ва “актли” музей-шаҳарга айлантириш, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги археологик ёдгориқлар бўйлаб йирик туризм ҳалқасини ташкил этиш мақсад қилинган.

Бу йил тадбиркорлар томонидан 4 млрд. долларлик 3,5 мингдан зиёд янги сервис объектлари ишга туширилади. Туризм масканлари-га асос солиш учун келгуси уч йилда 5 минг гектар ер



аукционга чиқарилади. Бундан ташқари, маданий мерос объектларида хусусий шериклик асосида “бутик меҳмонхона” ташкил қилиш учун нуфузли меҳмонхона тармоқлари олиб келинади. Дастур иштирокчиларига ер, мулк, фойда солиқлари ва боғжона тўлови бўйича имтиёз берилади. Мана шу ишлар ҳисобига 2026 йилда хизматлар бозори 100 млрд. доллардан

оширилиши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари яқинда халқаро маданий тадбирларнинг натижалари, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар ҳамда йирик маданият ва туризм объек-ларини барпо этишга оид тақдирот билан танишув чоғида туризм салоҳиятини АКШ, Форс кўрфазии давлатлари, Ҳиндистон, Хитой ва Скандинавия каби устувор

бозорларда илгари суриш бўйича янги маркетинг стратегиясини амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг халқаро туристик платформалардаги иштирокини кенгайтириш, рақамли контентни ривожлантириш ҳамда йирик медиаресурслар ва фикр етакчилирини жалб қилиш вазифалари белгиланиб, йирик маданият ва туризм объектлари

Китоб ўқиган айрим маҳкумларнинг жазо муддати ҳар бир ўқилган китоб учун 3 кунга, бироқ 1 йилда кўпи билан 30 кунгача қисқартирилиши мумкин.

Халқ сўзи

Народное слово



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаъобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терали ҳама оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.35 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6